

## KUN MAVZUSI

# АФГОНИСТОН: ЕЧИМ — ТИНЧЛИК ДАСТУРИ

Жорий йил 26-27 март кунлари Ўзбекистон дунё сиёсат оламининг диққат марказида бўлди. Бу бежиз эмас, зеро, Афғонистон буйича "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида Тошкент халқаро конференцияси мазкур мамлакатдаги беқарорликка ечим топиш масаласида жаҳон ҳамжамиятининг яқин эканини яна бир бор намоён этди.

Афғонистон билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш буйича зарур чора-тадбирлар белгилаш назарда тутилган Тошкент конференциясида 25 та давлат ва халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди. Йирик форум тафсилотлари эса, 300 га яқин оммавий ахборот воситаси ходимлари томонидан ёритиб борилгани ҳам алоҳида

аҳамиятлидир. Ҳозирги кунда қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш буйича кўплаб мураккаб, муаммоли масалалар минтақа ва халқаро миқёсда кенг муҳокама қилинмоқда. Бунга Қўбул жараёни, Москва формати, Халқаро мулоқот гуруҳи, Истанбул жараёни каби кўп томонлама муҳокамаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Афғонистон буйича Тошкент конференциясини ўтказиш ташаббуси дунё ҳамжамияти томонидан қўлаб-қувватланди. Нуфузли халқаро ташкилотлар, сиёсатшунос ва экспертлар томонидан билдирилган фикрларга кўра, мазкур конференция, афғон халқининг муаммоларини ҳал қилиш буйича аниқ таклифлар илгари сурилгани билан амалий

аҳамиятга эга бўлди. Аксарият иштирокчилар ҳозирга қадар ҳаётимизда кузатилаётган кўпгина салбий ҳолатлар, хусусан, терроризм, гиёҳвандлик, қурол-яроғ, одам савдоси ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар Афғонистон билан боғлиқ бўлганини айтган экан, бу йўналишда фақат ва фақат Афғонистонга ёрдам бериш билан ижобий натижага эришиш мумкинлигини қайд этди.

Мақсадсиз, дея баҳоланган афғон урушининг деярли қирқ йилдан бери давом этиб, Ер юзиде инсониятга қарши не ёвузлик ва иллат борки, барига макон бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас, албатта. Кўплаб давлатлар, халқаро ташкилотлар Афғонистоннинг барқарор ривожланиш йўлига ўтишдан манфаатдор эканини расман эътироф этиши Тошкент

конференциясининг энг муҳим натижаларидан бири бўлди, дейиш мумкин. Амалдаги Афғонистон ҳукумати минтақадаги иқтисодий ҳамкорлик жараёнларига қўшилишга интилаётган бир пайтда, бу заминдаги давомли нотинчлик, қолаверса, халқаро терроризмни молиялаштириш ва гиёҳванд моддалари айланмасидан манфаатдор кучлар мазкур жараёнга ҳалал бераётгани ачинарлидир.

Афғонистон, афғон халқига четдан тиқштирилган "уруш олови" да юз минглаб бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмди, миллионлаб инсонлар парокандаликка юз тутди. Қуролли қарама-қаршилик ва зўравонлик шароитида урушу талотўплардан чарчаган бутун бир авлод улғайди. Уларнинг осойишта ҳаёт кечириб келган истаклари узок вақт

давомида саробга айланиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги Афғонистон буйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияда иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Президентимиз Ўзбекистон томони Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун барча асосларга, сиёсий ва маънавий ҳуқуққа эга эканини алоҳида қайд этган экан, мамлакатимиз ташаббуси билан 1999 йилда Тошкентда бўлган "6+2" гуруҳининг уррашувиде Шимолий Иттифоқ ва "Толибон" ҳаракати вакиллари ҳам иштирок этганини эслатди.

(Давоми 2-саҳифада)

## BELLASHUV

# САРДОРЛАРГА БЕШ БАҲО

Дурмон маданият уйида "Энг намунали мактаб сардорлар кенгаши" танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Сардорлар уч шарт буйича ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди. Ҳакамлар жамоалар чиқишини баҳолашда интилиш ва ташаббусларига



алоҳида эътибор қаратди. 1-урин Ангрен шаҳридаги 33-умумтаълим мактаби жамоасига насиб этди.

Танловнинг Навоий вилояти босқичи ҳам

қизгин кечди. Унда туман ва шаҳарлардан ўн та жамоа иштирок этди.

Тадбир аввалида мазкур беллашув Ёшлар иттифоқининг асосий кучи ҳисобланган сардорлар

фаолиятида алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланди. Шундан сўнг иштирокчилар эришган ютуқлари ва илғор тажрибаларини турли бадий чиқишлар орқали кўрсатиб берди. Шу билан бирга, улар ёшлар муаммоларини бартараф этишга қаратилган янги лойиҳаларини тақдим этди. Яқиний натижага кўра, Нурота туманининг "Келажак бунёдкори" жамоаси ғолиб топилди.

Шоира ОХУНЖОНОВА,  
Дилқушо НАВРЎЗОВА

## YURGAN DARYO

# ҚОЗОҒИСТОНЛИК ТЕНГДОШЛАРИМИЗ ҲАЙРАТИ

Турли соҳалар буйича салмоқли ютуқларга эришган 18 нафар иқтидорли ва фаол йигит-қиздан иборат делегация аъзолари кўҳна Самарқанддаги тарихий ёдгорликларни кўздан кечириб, халқимизнинг бой маданий мероси билан яқиндан танишди.

— Дастлаб Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб, кейин Самарқандга йўл олдик, — дейди Мадина Биғабатова. — Ўзбекистонга келишдан олдин интернет орқали кўплаб маълумотлар тўплагандим. Лекин минг марта эшитгандан кўра, бир бор келиб кўрган афзаллигига мана, бугун ишондим. Дунёга машҳур

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Ёшлар туризми агентлиги томонидан илк мартаба қозоғистонлик бир гуруҳ ёшларнинг юртимизга саёҳати ташкил қилинди



Регистон майдони мени сеҳрлаб қўйди. Амир Темур мақбарасини зиёрат қилаётганимда қалбимда ажиб туйғулар уйғонди.

Ҳа, Самарқанднинг жозибаси ўзгача. Бежиз бу гузал шаҳар "Шарқ гаҳвари", деб аталмас экан. Саёҳатдан кўнглим

тўлди. Лекин ҳали биз кўрмаган жойлар кўп. Ўзбекистонга, албатта, қайтиб келаман!

Алишер ИСРОИЛОВ

## MUNOSABAT

# ТЎЙГА ЭМАС, ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!

Ўзбек борки, фарзандларининг бахти-камолини кўришни истайди. Тўй қилиш орзусида бир умр йиғинади. Бу одат йиллар давомида қон-қонимизга сингиб кетган.

Афғонистон, бугунги кунга келиб тўй-маросимлар билан боғлиқ удуумлар сони ниҳоятда кўпайиб, аксарият оилаларнинг нафақат иқтисодиёти, балки бутун туриш-турмушига салбий таъсир кўрсатмоқда. Никоҳ кечалари у ёқда турсин, ҳатто ақиқа ва бешик тўйлари, марҳумларнинг хотирасига бағишланган маросимларда ҳам исрофгарчиликка йўл қўйиб, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳволини инобатга олмаслик, асрий қадриятларни менсимаслик каби

иллатлар намоён бўлаётди. Бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Олий Мажлис Сенатининг "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида" ги қарори лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Шу ўринда бир тақлиф бермоқчиман. Давлатимиз инсон ҳаммини қойил қолдирувчи тўй қилмоқчи бўлса, майли, қилаверсин! Фақат базму жамшида сарфлайдиган маблағнинг тенг ярмини ёки жила курси, чорак қисмини маҳалласидаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган

ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмак сифатида йўналтирсин. Ахир, ён-атрофингдагилар қийналиб турганида бойликни ҳуда-беҳудага совириш инсофдан эмас-ку!

Тўйларни ихчамлаштириш борасида Навоий вилоятида ҳам амалий ишлар қилинмоқда. Масалан, яқинда ўғлини уйлантирган Қизилтепа туманидаги "XXI asr" тўйхонаси эгаси, катта тадбиркор Нуриддин Ҳабибов никоҳ оқомига бор-йўғи 120 нафар меҳмонни чақирди. Тежаб қўлинган маблағга эса, 400 киши учун дастурхон ёзиб, Наврўз сайлини ташкил қилди. Қолаверса, махсус мактаб-интернатда таълим олаётган ёшларга зарур ўқув қуролларини ҳаёда этди.

Тафаккур доираси тор, маънан қашшоқ инсон оёғи ердан узилиб, қуюшқондан чиқиб кетиши ҳеч гап эмас. Ҳозирги вазиятни кузатсам, биз оила куриш эмас, балки тўйга тайёрланаётгандекмиз. Ваҳоланки, аслида бунинг акси бўлиши керак. Шунда оилалардаги маънавий муҳит барқарорлашиб, булар-булмаста ажралиш ҳолатлари анча камайарди, деб ўйлайман. Азиз, юртошлар! Ҳаётимизни заҳарлайдиган дабдабазлик иллатига барҳам бериш, ёшларга тўғри йўл, ибрат кўрсатиш ўз қўлимизда. Шу ҳақиқатни ҳамиша ёдда тутайлик.

Жамшид ХҲҲАЕВ,  
Ёшлар иттифоқининг  
Навоий вилояти  
кенгаши раиси

## BANDLIK DASTURI — AMALDA

# 200 ДАН ЗИЁД ИШ ЎРНИ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, Мудофаа ишлари, Бандлик бош бошқармалари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда 43 та корхона ва ташкилот 200 дан зиёд бўш иш ўрнини таклиф этди. Муддатли ҳарбий хизматдан қайтган

йигитлар, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари ҳамда уюшмаган ёшларнинг 26 нафари доимий иш ўрни билан таъминланди. Юз нафардан ортиқ фуқарога меҳнат қонунчилиги буйича керакли маслаҳатлар берилди. — Коллежни тамомлаб, ўқишга

киролмадим, — дейди Фаарида Давлатова. — Иттифоқнинг вилоят кенгашига иш сўраб мурожаат қилгандим, меҳнат ярмаркасига таклиф қилинди. Мутахассислигим буйича Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмасига ишга жойлашдим.

Назир ҚАЙИМОВ

# «ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ-ОММАБОП МАҚОЛА» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўтган йил июль ойида "Ислам Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола" танлови эълон қилинган эди. Унга 2017 йилнинг 31 декабрига қадар 2016-2017 йилларда республика ҳамда хориж газета ва журналлари, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар қабул қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)



МУРОЖААТ 2 СОАТДА  
ҚАЛ ЭТИЛДИ

# АФФОНИСТОН: ЕЧИМ — ТИНЧЛИК ДАСТУРИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ана шу тажрибадан келиб чиқиб, Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши энг асосий шарт миқта ва глобал даражада келишилган ягона кенг қамровли тинчлик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат эканини таъкидлади. Афғонистондаги сиёсий жараёнларни бошлашни энди орқага суриб бўлмаслиги, акс ҳолда, яна кўплаб бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлиши мумкинлиги катта хавотир билан тилга олинди. Бу борада ташаббус кўрсатиш, музокаралар қандай форматда, қачон ва қаерда олиб борилиши бўйича таклиф беришни афғонистонликларнинг ўзига ҳавола қилиш кераклиги айтилди. Ўзбекистон ўз ҳудудда тинчлик жараёнларининг исталган босқичида

Афғонистон ва "Толибон" ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри музокараларни ташкил этиш учун барча шароитларни яратиб беришга тайёр экани маълум қилинди. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, Афғонистон бўйича қабул қилинган Тошкент декларациясида хотин-қизларнинг афғон ярашуви жараёнидаги, хавфсизлик, жамият ва иқтисодий ҳаётда самарали иштирокини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга экани, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ҳалқаро савийа-ҳаракатлар изчил қўллаб-қувватланиши алоҳида таъкидланди. Шу ўринда айтиш лозимки, давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиёдаги хавфсизлик таҳдидларни ўзиники ва ўзгаларники деб ажраттишдан

воз кечиб, "яхлит хавфсизлик" тамойилига амалда риоя қилиш шартлиги ҳақидаги қатъий фикрлари, Афғонистон ҳукумати билан "Толибон" ҳаракатининг олдиндан шарт қўймаслик ва куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик асосида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиши зарурлиги, қўшни мамлакатдаги тинчликка фақат музокаралар билан эришиш мумкинлиги борасидаги хулосалари Афғонистон бўйича имзоланган Тошкент декларациясида ҳам акс этди. Бу эзгу ғоя-мақсаднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши келгусида мамлакат ҳукумати билан муҳолифат ўзаро музокарага киришишига ва бу жараёнда турли ташқи кучлар аралашувига йўл қўймасликка хизмат қилади.

Хавф-хатарларга қарши фақат куч ишлатиш билан эмас, балки, биринчи навбатда, маърифат билан курашиш, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, айниқса, ёшларга тушунтириш йўлида яқин ҳамкорликда иш олиб бориш лозимлиги таъкидланди. Бу борада Ўзбекистонда ташкил этилган Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислам цивилизацияси маркази ва Ўзбекистон Ислам академиясининг имкониятларидан фойдаланиш мақсадаги мувофиқлиги айтилди. Эндиликда Афғонистон бутун инсониятга қарши таҳдидлар олдида халқаро ҳамжамиятнинг ожизлигини кўрсатадиган мисол бўлиб қолмаслиги учун афғон ҳукуматининг мамлакатдаги хорижий террористик ташкилотлар базаларини йўқ қилиш борасидаги савийа-ҳаракатларини барча

ташқи кучлар сўзсиз қўллаб-қувватлаши, терроризмни молиявий ва моддий-техник қўллаб-қувватлашнинг олдини олиши ўта муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди. Шу боис Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсат концепциясига содиқ қолган ҳолда, Афғонистон билан маданий, таълим ва иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлигини изчил давом эттириши билдирилди. Хусусан, "Мозори Шариф – Ҳирот" темир йўли, "Сурхон – Пули Хумри" электр узатиш линиясининг барпо этилиши, Термиз шаҳрида Афғонистон фуқароларини ўқитиш марказининг иш бошлагани қўшни афғон халқи тинчлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиши шубҳасиз.

Ф.КАРИМОВ

# «ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА БАФИШЛАНГАН ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ-ОММАБОП МАҚОЛА» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ўзбек Миллий академик драма театрида танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Таъбирда буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Каримов бутун фаолиятини, ҳаётини Ватанимиз озодлиги, тинчлиги, халқимизнинг, айниқса, келажгимиз эгалари бўлган ёшларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши, ўз орзу ва мақсадларини рўёбга чиқариши учун бахшида қилгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Биринчи Президентимиз хотирасини абадийлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида Биринчи Президентимиз ҳайкаллари қад ростлади. У киши узоқ йиллар фаолият юритган Оқсарой қароргоҳи ёдгорлик мажмуасига айлантирилди. Тошкент халқаро аэропорти, йирик муассаса ва ташкилотлар, пойтахтимиз ва вилоят марказларидаги марказий кўчаларга Ислам



Каримов номи берилди. "Ислам Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола" танлови ана шу эзгу савийа-ҳаракатларнинг узвий давомидир. Танлов учун ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, француз, италян, хитой, немис, япон, араб, корейс, озарбайжон, қозоқ, туркман, киргиз тилларида ёзилган жами 900 га яқин материал юборилган. Уларни адолатли баҳолаш учун танлов ҳайати туркибга тажрибали мутахассислар, олимлар, тарихчилар, ёзувчилар, журналистлар, кенг жамоатчилик вакиллари жалб этилди. Юборилган ишлар, аввало, мақола мавзуси янгилиги ва моҳиятнинг очиб берилгани, мазмунан тарихий ҳақиқатга зид келмаслиги, илмий

манбалардан қанчалик фойдаланилгани, шунингдек, илмий ва баъдий савия даражаси ҳисобга олинган ҳолда баҳоланди. Биринчи ўрин ва танловнинг бош мукофотини "Бошланғич таълим" журнали бош муҳаррири Ҳалим Саидов "Миллат хазинасини бойитган мутафаккир" мақоласи учун қўлга киритди. Ғолиб ташкилотчилар томонидан махсус диплом ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдордаги пул мукофоти билан тақдирланди. Иккинчи ўринни Япония парламенти юқори палатаси депутати, "Япония – Ўзбекистон" дўстлик уюшмаси президенти

Кёко Накаяма ва сиёсий шарҳловчи Набухико Шима, "Нақшбандия" журнали бош муҳаррири Султонмурод Олимов эгаллади. Уларга диплом ва энг кам иш ҳақининг 75 баробари миқдорда пул мукофоти топширилди. Учинчи ўринга эркин ижодкор Мусурмон Бойхонов, Қорақалпоқ давлат университети магистранти Замира Айимбетова ва Санкт-Петербург давлат университети (Россия) талабаси Александр Гоншвили муносиб топилди. Ташкилотчилар томонидан уларга диплом ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорда пул мукофоти топширилди. Ғолибларга мукофотни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ва Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг рафиқаси Т.Каримова топширди. — Муҳтарам Биринчи Президентимиз Ислам Каримов шахсини абадийлаштириш мақсадида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда,— дейди Ҳалим Саидов.— Бу инсоннинг ҳаёти, серқирра фаолияти жуда катта таъдиқотларга

арзигуликдир. Бу ҳақида ёзиш эса ўта масъулиятли иш. Шундай бўлса-да, мен ҳам баркамол авлод тарбияси, юрт тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган шундай буюк инсоннинг хотирасини абадийлаштириш уммонига кичик томчи қўшишга ҳаракат қилиб кўрдим. Асосий мақсад бу улғу мутафаккирининг Ватан тараққиётига қўшган ҳиссасини таъкидлаш, авлодларни у бошлаган ишларни муносиб давом эттиришга чорлаш эди. Бундан ташқари, танлов ташкилотчилари томонидан 20 та рағбатлантирувчи мукофот ҳам таъсис этилди ва муносиб номзодларнинг ишлари танлаб олинди. Уларга Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб чоп этилган "Ислам Каримов — мустақил Ўзбекистон асосчиси" номи китоб-альбом совға қилинди. Таъбирда санъат усталари ва Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Инобат АҲАТОВА,  
ЎЗА муҳбири

## ESHITDINGIZMI?

Халқ таълими вазирлиги биринчи мартаба Республика ўқувчи-қизлар инновацион саммитини ташкил қилди.

# 230 ҚИЗДАН КРЕАТИВ ҒОЯ

Роҳатой ҚОДИРОВА

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури мазмун-моҳиятдан келиб чиқиб амалга оширилган йирик лойиҳада 230 нафар ташаббускор ва фаол тенгдошимиз қатнашди. Саммит иши олти йўналишда олиб борилди. Икки кун мобайнида

иштирокчилар ахборот технологиялари, журналистика, инновацион менежмент, иқтисодий ва бизнес, санъат (хонандалик, рақс, дизайн), таълимни ривожлантиришга оид ижтимоий лойиҳаларини экспертлар эътиборига ҳавола этди. Бундан ташқари улар учун А.Авлоний номидаги марказий малака ошириш институтидан бир қатор маҳорат сабоқлари ҳамда семинар-тренинглар ўтилди. Ушбу тадбирларга турли соҳаларда салмоқли ютуқларга эришган таниқли аёлларимиз жалб этилди. Лойиҳа доирасида



"Замонавий ўзбек аёли қандай бўлиши керак?", "Тадбиркорликни нимадан бошлаш керак?", "Кичик хуудларда тадбиркорликни йўлга қўйиш йўллари" каби мавзуларда давра суҳбатлари ҳам ташкил қилинди. I Республика ўқувчи-қизлар саммитида тақдим этилган энг сара инновацион лойиҳалар келгусида ҳаётга татбиқ этилади.

## TARG'IBOT

# ТАЛАБАГА ҲАМ ИМТИЁЗЛАР БОР

Илғор ҲАЛИЛОВ,  
бошланғич ташкилот етакчиси

Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармасидаги Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти ташаббуси билан Гулистон давлат университетида соҳа қонунчилигидаги ўзгаришлар тарғибига қаратилган амалий семинар ўтказилди. Унга профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар жалб қилинди.

Даставвал вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳамда шаҳар давлат солиқ инспекциясидан келган мутахассислар мавзу юзасидан маъруза қилди. Хусусан, Гулистон шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари О.Чоршанбаев даромад солиғи ҳамда фуқароларнинг шахсий жамғариб бўрилмаган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий бадал суммаларига киритилган ўзгаришлар, шунингдек, жисмоний

шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ миқдори қандай ҳисоблаб чиқарилиши ҳақида бафуржа тўхтади. Шу билан бирга, экин ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланган, қолаверса, томорқани ободонлаштирган, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини сақлаган ва кўпайтиришга эришган томорқа ер эгасига ер солиғи ставкасининг пасайтирувчи коэффициентини қўллаш тарзидаги солиқ имтиёзи

берилгани маълум қилинди. Семинар давомида талабалар контракт пули тўлашдаги солиқ имтиёзлари, йиллик даромадлар тўғрисидаги декларацияни қандай ва қайси муддатда топшириш тўғрисида ҳам хабардор этилди. Яқинда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олди. Уларга томорқадан унумли фойдаланишга ундовчи буклетлар ҳам тарқатилди.

## BIZNES SAYONAT

# КЎРГАН БОШҚА, БАРИБИР

Соҳиба САПАЕВА

Ёшлар иттифоқининг Қизилтепа тумани кенгаши ташаббуси билан коллеж ўқувчилари учун бизнес саёҳат уюштирилди. Қизиқарли танишувлар замонавий технологиялар асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган "Тошрабат текстиль" масъулияти чекланган жамиятидан бошланди.



Мазкур корхонада 300 нафарга яқин ёш меҳнат қилмоқда. Улар учун муносиб шароитлар яратилган. Цехлардаги қизгин иш жараёни,

ички тартиб-интизом ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Кун давомида лойиҳа иштирокчилари "Зарафшон 2000"

фермер хўжалигида ҳам бўлди. Хўжалик раҳбари Элмурод Файзиевнинг иссиқхона шароитида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда сақлашга доир инновацион усуллар ҳақидаги суҳбатини йигит-қизлар жон қулоғи билан эшитди. Шундан сўнг улар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди. Бизнес саёҳатлар давом этмоқда.

## ЭКОЛОГИЯ ВА YOSHLAR

# ТАБИАТГА МЕҲР БИЛАН

Раъно УМАРОВА,  
Самарқанд вилояти "Камалак" болалар ташкилоти раиси

"Камалак" болалар ташкилоти ташаббуси билан март ойи давомида Самарқанд вилоятининг барча умумтаълим мактабларида "Табиатни бирга асрайлик!" лойиҳаси амалга оширилди.

Унинг доирасида "Эко патруль" рейдлари, Гуллар фестивали, "Она табиат менга илҳом беради!" шиори остидаги фотосуратлар танлови ташкил қилинди. Шунингдек, ҳар бир туман

ва шаҳарда ўқувчилар Сардорлар ҳамда Инновациялар боғларини барпо этди. "Эко патруль" лойиҳаси доирасида сардорлар ҳафтанинг ҳар шанба кuni велосипеда

маҳалла-қўй ва кўчаларни кезиб, ерга ташлаб кетилган полиэтилен маҳсулотларини тўплади ва уларни махсус пунктларга олиб бориб топширди. Гуллар фестивалида ўғил-қизлар баҳорий гулдасталар ясаб, аёл муаллимларга туҳфа этди. Фотосуратлар танловида эса, минглаб болалар она табиатга меҳр-муҳаббатини ранглар "тили"да ифода этди.

## TASHABBUS

# АКТЁРЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

Барно ЯКУБОВА

Халқаро театр кунини муносабати билан Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши фахрий санъаткорлар учун "Эъзоз" номи байрам тадбирини ташкил этди. Урганч шаҳридаги

Ёшлар марказида бўлиб ўтган тадбирга узоқ йиллар давомида вилоят мусиқали драма театрида фаолият кўрсатган актёр ва актрисалар тақлиф қилинди. Ёшлар ташкилоти вакиллари меҳмонларни эсдалик совғалар билан

қутлади. Қутилмаган "сюрприз"дан ҳамма хайратга тушди. Шундан сўнг Ёшлар марказининг "Ёшлар" театр студияси томонидан спектакль намойиш этилди. — Саҳнага чиққан ёш ҳамкасбларимизнинг маҳоратига қойил

қолдим, — дея ўз таассуротларини бўлиши Ўзбекистон халқ артисти Гулнора Раҳимова. — Уларнинг келажаги бор. Одатда Халқаро театр кунини тор даврада нишонлардик. Бу галгиси эса, ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Ажойиб ва унутилмас туҳфа учун ташкилотчиларга кўпдан-кўп раҳмат!

## БИРДАМ БЎЛСАК МУАММО ҲАМ ҚОЛМАЙДИ

Н.БАҲОДИРОВА,  
Л.РАҲМАТОВ

Ҳаёт ўзи шунақа — камчиликсиз бўлмайди. Жамиятда ҳеч бир ташвиши йўқ, ўйнаб-кулиб яшайдиган одамни топиш ҳам амримаҳол. Бироқ баъзи муаммолар бир инсон ёки оиланинг иродасизлиги эмас, балки атрофдагилар, айниқса, мутасадди ташкилоту идораларнинг бефарқлиги туфайли йиллар давомида ечимини топмай келмоқда.



Н. ҲАЙЛАРОВ



Бугун Президентимиз барча даражадаги раҳбарлардан халққа яқин бўлишни, жойларга чиқиш, мавжуд аҳвол билан бевосита танишишни талаб қилмоқда. Жуда тўғри танланган усул. Зотан, одамларнинг ижтимоий кайфияти, тафту ҳароратини улар билан юзма-юз қўришибгина теран ҳис этиш мумкин. Шунда ҳар қандай масалага виждонан ёндаша бошлайсан, киши.

Ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш бўйича республика ишчи гуруҳи яқинда Наманган вилоятининг Поп туманида бўлиб қайтди. Жамоатчилик назоратининг ўзига хос сайёр кўришининг ифода этган саккиз кунлик сафар атиги бир ҳудуд микёсида жуда кўплаб оғриқли нуқталарни топиш, айрим муаммоларни жойида ҳал этиш, бошқалари юзасидан аниқ топшириқлар беришга имкон яратди. Натижада қанча-



Бугун Президентимиз барча даражадаги раҳбарлардан халққа яқин бўлишни, жойларга чиқиш, мавжуд аҳвол билан бевосита танишишни талаб қилмоқда. Жуда тўғри танланган усул. Зотан, одамларнинг ижтимоий кайфияти, тафту ҳароратини улар билан юзма-юз қўришибгина теран ҳис этиш мумкин. Шунда ҳар қандай масалага виждонан ёндаша бошлайсан, киши.

Попнинг 77 маҳалласида олиб борилган бор-йўғи бир ҳафталик ўрганиш самарасида анчадан бери биров келиб ҳолидан хабар олмайдиган ижтимоий аҳволи ўта ночор юзлаб оилалар, арз-додини кимга айтишни билолмай, у эшикдан бу эшикка бош уравериш, тинка-мадори қуриган яна кўплаб фуқаролар билан юзма-юз келинди. Энг қизиғи, улар маҳаллий раҳбариятдан ёрдам кутмай қўйган. Чунки фойдаси йўқлигини билади. Ноилоҳликдан аламини ичига ютиб, бир амаллаб кун кўрмоқда.



Ботировларнинг уйи йўқ. Шу боис ҳозирча собиқ машина трактор паркиннинг ташландиқ биносидан истиқомат қилмоқда.

Ичкарига кирдик. Хона деразалари ойнасиз — номингагина мато парчалари ва клеёнка тортиб қўйилган. Бундай аҳволда қишда жон сақлашни ўйлан! Овқат пишириш ва исиниш учун болалар бинонинг орқа томонидаги чиқиндиҳонадан резина парчалари, майда шох-шаббалар териб келиб, ёқмоқда. Кейин эса, ҳамма-лари ўша захарли тўтундан нафас олади. Ҳарқалай, уларнинг соғияни шусиз ҳам заифлашган. Ранг-рўйдан шамоллаш аломатлари сезилди.

Оила бекаси Шахринисо Эргашева муқаддам сил касаллигига чалинганини айтди. Болалари ҳам касалманд ва нимжон бўлиб, анчадан буён тўйиб овқатланмаган. Оқибатда, уларнинг ижтимоий мослашувчанлиги йўқолган, мулоқот қилиш қобилияти суст. Афсуски, бирон чорасини кўришга оиланинг моддий аҳволи изн бермайди. Ундан-да ачинарлики, Ботировлар бошқа жойда доимий рўйхатда тургани бос, "Нуробод" маҳалласидан моддий ёрдам ололмапти. Юқорида тилга олинган муаммоларни ижобий ҳал этиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Адашганини тўғри йўлга қайтариш, йиқилганини суяш — олий фазилят. Ҳаётида ҳамма ҳам хато қилади. Айниқса, ешлар. Поп туманида яшовчи Аъзамжон Тошматов (исм-шарифи ўзгартирилган) бундан бир неча йил муқаддам Корея Республикасига ўқишга кетиб, билиб-билмай диний экстремистлар билан мулоқотга киришди. Мазкур хатти-ҳаракати давлатимиз ҳуқуқини муҳофаза қилиш идоралари кузатуви остига олинган, йигитга жиноий қиларув эълон қилинди.

Бундан хабар топган Аъзамжон Тошматов ўзи ҳақидаги барча материалларни Ўзбекистон томонига тақдим этди. Аммо тайинли жавоб ололмагач, Ватанга қайтмаслигини ягона чора деб билиб, Кореяда фаолиятини давом эттирди. Ўтган йили ҳамюртимиз уйга қайтиш истagini билдириб, Ўзбекистон Президентининг виртуал қабулхонасига мурожаат қилган. Шундан кейин иқтисод фанлари доктори диний оқимларга мансуб шахслар рўйхати-

дан чиқарилади.

— Ўзга юртларда сарсон-саргардон бўлиб юрдим, — дейди биз билан суҳбатда А.Тошматов. — Давлатимиз раҳбарининг хориждаги ёшлар ҳам ўз илми, билими ва тажрибаси билан Ўзбекистон тараққиёти учун келиб хизмат қилса, барча шароитларни муҳайё қиламан, деган гаплари қалбимга ўт қўлди. Айни вақтда пойтахтимиздаги энг нуфузли олийгоҳ ўқитувчисиман. Шу билан бирга, инвестициялар бўйича давлат дастурларида иштирок этяпман. Мана энди, ҳаётдан чинаямига завқланиб яшаяпман!

Яна бир поплик дўстимиз Ўқтам Эшматов (исм-шарифи ўзгартирилган)нинг ҳам қисмати Аъзамжонникига ўхшаш. У Ким Юнг университетида ўқитганида қиларувга берилгани ҳақида қақирув қозғонини олганди. Ўзининг жиноятчи эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатларни тегишли органларга тақдим этса-да, бирон жўяли жавоб ололмади, изти-



робга тушди. Шу боис оиласи билан Кореяда қолди.

— Ўтган йили Ватанимга қайтишга қарор қилдим, — дейди Ў.Эшматов. — Чунки Шавкат Мирзиёевнинг диний эътиқод борасидаги асрий қадриятларимизга монанд ва манзур ёндашуви ишончимни уйғотди. Қайтиб келганимда тергов жараёнлари ҳолислик ва очиқлик тамойили асосида олиб борилди. Ҳозир Ўзбекистондаги йирик компаниялардан бирида ташқи иқтисодий фаолият ва импорт бўйича мутахассис сифатида ишлаяпман.

Наманганда бир пайтлар диний экстремистик оқимларга қўшилиб, сунгра хатосини тушуниб етган ҳамда давлатимиз кўмаги билан ҳаётда ўз йўлини топиб, халқ фаворонлиги йўлида хизмат қилаётганлар оз эмас. Ўрганишлар давомида бир нечасига рубару келдик. Масалан, "Уларма" маҳалласида истиқомат қилувчи Аҳмаджон Полвоннинг кўлида гулдай касби бор. У электр устаси. Бироқ ўиламай бостан қадами туфайли 1999 йилда қамалди. Мана энди оилавий тадбиркорлик билан шуғулланмоқда.

Аҳмаджон ўн сотихли шахсий томорқасида булғор қалампери, помидор, бақлажон, қарам этиштирмоқда. Бундан ташқари, шафтоли, гилос, олча, анжир каби мевали дарахтлар ҳам эккан. Баракали ҳосилдан бир йилда 20 миллион сўмга яқин соф фойда қўради. Икки нафар ўғли ҳам тадбиркорлик йўлини танлаган. Оилада айни пайтда соғом маънавий муҳит ҳукмрон.

Ишчи гуруҳи аъзолари билан суҳбат чоғида А.Полвоннинг фаолиятини кенгайтириш учун 7 фойзалик имтиёзли кредит олиш, қолаверса, томорқадан унумли фойдаланиш борасидаги тажрибасини ҳамқишлоқлари билан бўлиб, шу аснода кам таъминланган оилалар турмуш шароитини яхшилашга қўмақлашиш ниятини билдирди.

"Туман" маҳалласидан Муҳаммад Хайридинов ҳамда "Ифтихор" маҳалласида яшовчи Акмалхон Омонов ҳам ёшларга диний экстремистлар сафига қўшилиб қолган. Ҳозирда тадбиркорлик фаолияти билан кўпчиликка ибрат кўрсатиб келаётган юртдошларимиздан.

Шу кунларда "Ўрта Хонабод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги Муस्ताқиллик кўчасида катта ҳашар ишлари авжида. Бу ерда маҳалла гузарининг янги биноси қад ростламоқда. Қурилиш ишларидаги ешлар камарбаста. Гузар ҳудудда кутубхона, турли спорт тўғараклари учун махсус жой, гузаллик саломи, ателье, новвойхона, волейбол майдончаси, ижодий учрашувлар ўтказиш учун кичик зал жойлашди.

Ҳа, бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилганга нима етсин. Бугун юртимизда ҳар жабҳада изчил олиб борилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этмаслик ҳеч биримизга ярашмайди. Жамият ҳаётидаги муаммоларни ҳам сенки-меникига ажратибгина сира ҳаққимиз йўқ. Ютуғу камчиликларни бирга баҳам кўрсак, одамларнинг тақдир баҳам кўрсак, одамларнинг эътиборсиз қолдирмасак, албатта, ривожланами. Ило, халқ билан яқиндан, юзма-юз мулоқот олиб боришдан қўзланган бош мақсад ҳам шу.

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ



## МУРОЖААТ 2 СОАТДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Сардор БЕКЖОНОВ

Шу кунларда Республика ишчи гуруҳи Хоразм вилояти маҳаллаларида ўрганиш ишларини олиб бормоқда. Хонадонма-хонадон юрилиб, аҳолининг ўй-ташвишлари, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит ўрганиляпти.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ешлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қарамон Қуранбаев бошчилигидаги бир гуруҳ мутасаддилар дастлаб Ўрганч туманидаги "Ешлик" маҳалласида бўлиб, турмуш ўртоғидан айрилган Ўғилжон Юсуповнинг уйига кирди.

Аёв бир хонали кватирдада истиқомат қилади. Эгизак фарзандлари бор. Бирини ногирон. Она турли сувенир маҳсулотларини ясаб, рўзгорни аранг тебратмоқда.

Ешлар етакчиси Ўғилжон оиланинг ногирон қизи Ҳавожонни шифокор назоратида бўлиши учун дарҳол касалхонага жойлаштириди. Ўғилга эса, мусиқа мактабидан иш топилади. Шу билан бирга, Қ.Қуранбаев маҳаллий масъулларга ушбу оилага намунали уй-жой ажратиш бўйича кўрсатма берди. Йиллар давомида йўқликдан қийналиб келаётган бир муштилар аёлининг барча муаммоларини атиги икки соатда ҳал этиганига қойил қолмай илож йўқ.

Ўрганишлар жараёнида "Уйшун" маҳалласи Ишонч кўчасида истиқомат қилаётган аҳоли электр энергиясининг қучлиниши пастлигидан азият чекаётгани аниқланди. Ўша кунлик мазкур ҳудудга қўшимча қувват етказиб берадиган янги трансформатор ўрнатилди.

Шу чоққача одамларимиз на қондиционер, на музлатгичдан фойдалана оларди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қосим Йўлдошев. — Масала

бир кунда ҳал бўлди-я! Энди нафақат хонадонларимиз, балки кўнгаларимиз ҳам анча ёриши.

Бироз вақт аввал "Ешлик" маҳалласида яшайдиган Малика Бекмедова янги тикувчилик шехини очмоқчи бўлган жой атрофи қурилиш чиқиндиларига тўйиб кетгани, лекин мутасадди ташкилотлар мазкур ҳолатга кўз юмиб келаётгани ҳақида шикоят қилганди. Давлат маслаҳатчиси унинг мурожаатини ҳам эътиборсиз қолдирмади. Малика яшайдиган ҳудудга шахсан бориб, аҳволни ўрганди.

— Яқинда Ешлар иттифоқи фаолларининг кўмаги билан бу ерларни ободонлаштириш, — дея мамнунали бўлиб қолган Малика билан гапирди тенгдошимиз. — Махсус машина орқали барча чиқиндилар бир зумда олиб кетилди. Муаммони ҳал этишда кўмагини аяман раҳбарлардан беҳад миннатдорман.

Республика ишчи гуруҳининг Хоразм вилоятига сафари давои этмоқда.



## YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

## Талғатга Иттифоқ ёрдам берди

Қўмар БЕГНИЯЗОВА

Талғат коллежини тамомлаб, иш излади. Беш-олти ташкилотга учрашди, лекин ҳеч бир тақлифга қўнмади. Ё машино кам ёки меҳнат шариоти чатоқ. Хуллас, Қозонистонга кетишга қарор қилди. Бироқ фалокат оёқ остида экан — фирибгар-

ларнинг тузоғига илиниб, паспортини олдириб қўйди. Оқибат, ярим йил текинга ишлашга мажбур бўлди... Мўйноқ тумани "Дўстлик" маҳалласида истиқомат қилувчи Талғат Ўразбаевнинг бошига тушган қулфат ҳақида Ўзбекистон ешлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши ўз вақтида хабар топгани яқин бўлди-да.

Мутасадди ташкилотлар кўмагида йигит она юртига эсон-омон қайтарилди.

— Тўрт-беш танга топаман, деб хорижга жўнаётган жуда кўп ешларимиз ёрлиғи сабаб алданяпти, — таъкидлайди Ешлар иттифоқининг Мўйноқ тумани кенгаши раиси Саламат Инаётов. — Шу нуқтага назардан маҳаллаларда тинимсиз ўрганиш ишларини олиб боришимиз. Бу ўз самарасини бермоқда. Ҳозирги кунгача беш нафар тенгдошимизни оиласи бағрига қайтардик. Энди уларни иш билан таъминлаш ҳаракатидаимиз.

